

(кейинги матнларда ИПК деб юритилади) 170-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Суд мажлисида даъвогар вакили кўрсатма бериб, даъво аризани қувватлаб, даъво суммасида хатолик кетганлигини, жавобгарга ҳисобланган зарар суммаси 1 540 000 000 сўмни ташкил этишини, шу сабабли даъво аризадаги зарар суммасига ҳисобланган пеня суммаси зарар суммасига мутаносиб равишда камайишини, жавобгар томонидан суд кунига қадар жавобгарга омонатга сақлашга топширилган автотранспорт воситалари жавобгар томонидан даъвогарга қайтарилмаганлигини ҳамда жавобгарга ҳисобланган зарар суммаси даъвогарга тўланмаганлигини билдириб, даъво аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд томонидан жавобгарнинг судга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили)га суд мажлиси куни, жойи ва вақти ҳақида суднинг ажрими қонунда белгиланган тартибда почта алоқа тармоғи орқали жавобгарга юборилган. Суднинг ажрими Фарғона вилояти, Олтиариқ туман Почта алоқа тармоғи томонидан жавобгар кўрсатилган манзилда яшамаслиги ҳақидаги маълумот билан қайтарилган.

Суд мажлиси куни, жойи ва вақти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди(келгуси матнларда Олий суд деб юритилади)нинг интерактив портали орқали жавобгарнинг директори [REDACTED]нинг телефон рақамига “SMS” хабар юбориш йўли билан суд мажлиси куни, жойи ва вақти ҳақида хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисида жавобгардан вакил иштирок этмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128-моддасига асосан суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса, суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади. ИПКнинг 170-моддаси учинчи қисмида "Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин"лиги белгиланган. Ушбу моддаларга асосан суд, ишни жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд, даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризани қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси билан « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2015 йил 02 сентябрда №-16-MANUZ-сонли омонат сақлаш шартномаси тузилган. Шартноманинг 1.1-бандига асосан даъвогар жавобгарга « [REDACTED] - [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларини сақлаш учун



топширишни, жавобгар эса ушбу автотранспорт воситаларини қабул қилиш ва сақлаш омонатларида сақлаш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини, 1.2-бандида омонатни сақлаш жойи сифатида Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 350-уй этиб белгиланган.

Мазкур шартномага даъвогар ва жавобгар ўртасида 2020 йил 17 январь кунда №1-сонли қўшимча келишув тузилиб, унга биноан 2015 йил 02 сентябрда тузилган №16-MANUZ-сонли омонат сақлаш шартномасига ўзгартириш киритилиб, омонатга топширувчи бўлган шартнома тарафининг номи «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси номидан «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси номига ўзгартирилиши белгиланган.

Шартномага асосан даъвогар жавобгарга ҳар бирининг қиймати 770 000 000 сўмни ташкил этган, 2020 йил 29 июлдаги №29-/07-сонли топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан «Sinotruk Golden Prince ZZ3 251 №36 41A GPM-18C» русумли автосамосвалини ва 2020 йил 29 августдаги №29-/08-сонли топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан «Sinotruk Golden Prince ZZ3 251 №36 41A GPM-18C» русумли автосамосвалини омонат сақлаш учун топширган.

Даъвогар томонидан 2021 йилнинг 7-8 июнь кунлари жавобгарнинг ҳудудида жавобгарга топширилган ва сақланиши лозим бўлган автотранспорт воситаларининг техник ҳамда сақланиш ҳолатни текшириш мақсадида инвентаризацияни ўтказиш жараёнида омонат сақлаш учун топширилган автотранспорт воситаларининг сақлаш жойида мавжуд эмаслиги, улардан жавобгар ноқонуний фойдаланиб, тасарруф этганлиги аниқланиб, бу ҳақида 2021 йил 08 июнь куни жавобгар директори иштирокида далолатнома расмийлаштирилган. Шу куннинг ўзида, яъни 2021 йил 08 июнь куни жавобгар директори томонидан даъвогарга кафолат хати берилиб, унда жавобгар томонидан тарафлар ўртасида тузилган 2015 йил 02 сентябрдаги №16-MANUZ-сонли омонат сақлаш шартномасининг 4.1 ва 5-бандлари талабларини бузган ҳолида автотранспорт воситаларини омонат сақлаш манзилида сақламасдан бошқа манзил (Фарғона вилояти Сўх тумани) сақлаш ва фойдаланиш учун жўнатганлигини, бунинг натижасида даъвогар олдида иккита автотранспорт воситалари учун 1 540 000 000 сўм миқдорида жавобгар эканлигини маълум қилиб, даъвогарга 2021 йилнинг 15 июнь кунига қадар ушбу иккита автотранспорт воситаларини даъвогардан ҳар бирини 770 000 000 сўмдан сотиб олишини кафолат берган.

Низо тарафлар ўртасида тузилган 2015 йил 02 сентябрдаги №16-MANUZ-сонли омонат сақлаш шартномасининг шартлари жавобгар томонидан бузилиши натижасида юзага келган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги матнларда ФК деб юритилади) 880-моддасига кўра омонат сақловчи сақлашга топширилган ашёнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган, шунингдек бошқа барча зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Агар шартномада эгасизлантириб сақлаш назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи сақлаш учун ўзига берилган ашёни юк топширувчига ёки у олувчи сифатида кўрсатган бошқа шахсга топшириши шарт. Ашё сақлашга



қандай ҳолатда топширилган бўлса, ўша ҳолатда, унинг табиий ёмонлашувини ёки табиий камайишини ҳисобга олиб қайтариб берилиши шартлиги белгиланган.

ФКнинг 881-моддасига кўра, омонат сақловчи ўзига сақлаш учун топширилган ашёдан юк топширувчининг розилигисиз фойдаланишга, шунингдек учинчи шахсларга ундан фойдаланиш имкониятини беришга ҳақли эмас, сақланаётган ашёдан фойдаланиш унинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

ФКнинг 889-моддасига кўра, омонат сақловчи сақлаш учун қабул қилинган ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун ушбу Кодекснинг 333-моддасида назарда тутилган асосларга кўра жавобгар бўлади.

ФКнинг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади. Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади.

ФКнинг 889-моддасига кўра, ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги туфайли юк топширувчига етказилган зарар, агар қонунда ёки сақлаш шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 324-моддасига мувофиқ омонат сақловчи томонидан қопланади.

ФКнинг 324-моддасига кўра, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Ушбу ҳуқуқ нормаларига асосан даъвогарнинг жавобгардан зарар суммасини ундириш ҳақидаги даъво талаби ҳуқуқий асосли. Бироқ, суд мажлисида даъвогар вакили берган кўрсатмаси ҳамда ишдаги мавжуд ҳужжатлар асосида даъво аризадаги зарар суммаси 1 550 000 000 сўмни ташкил этмаслиги, аксинча 1540 000 000 сўмни ташкил этиши ўз исботини топганлиги, зарар суммасининг қолган 10 000 000 сўм қисми ўз исботини топмаганлиги сабабли ушбу даъво талабини қисман қаноатлантириш, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 1 540 000 000 сўм зарар суммасини ундириш, қолган 10 000 0000 сўм зарар суммаси асоссиз бўлганлиги боис, зарар суммасининг ушбу қисмини рад этиш лозим бўлади.

Шунингдек, даъво аризада жавобгардан даъвогар фойдасига 310 000 000 сўм пеня суммаси ундириш сўралган.

Тарафлар ўртасида тузилган 2015 йил 02 сентябрда №-16-MANUZ-сонли омонат сақлаш шартномасининг 5.2-бандига асосан омонатга сақловчи/жавобгар омонатга сақлашга топширилган товарга/маҳсулотга етказилган зарар ўрнини товар/маҳсулотнинг белгиланган суммаси миқдорида, бу ҳақида далолатнома расмийлаштирилган кундан эътиборан 30 кун ичида тўлиқ қоплаш мажбуриятини олганлиги, 5.3-бандига асосан шартноманинг 5.2-бандига асосан етказилган зарар миқдори тўланиши лозим бўлган кундан эътиборан омонатга топширувчи/даъвогар зарар қопланиши лозим бўлган кундаги ўтказилган ҳар бир кун учун зарар суммасининг 0.2 фоизи миқдорида, лекин зарар суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда омонатга сақловчи/жавобгарга пеня суммасини ҳисоблашга ҳақли эканлиги белгиланган.



Шартноманинг ушбу шартларидан келиб чиқиб, даъво талабининг жавобгардан пеня суммаси ундириш талаби ҳуқуқий асосли. Бироқ, даъвогар вакили томонидан судга тақдим этилган маълумотномада зарар суммаси 1 540 000 000 сўмни ташкил этганлиги сабабли унга ҳисобланган пеня суммаси 308 000 000 сўмни ташкил этиши маълум қилинган. Ушбу ҳолатда, даъво талабининг жавобгардан даъвогар 310 000 000 сўм пеня суммаси ундириш қисми 308 000 000 сўм пеня суммасига нисбатан асосли бўлиб, қолган 2 000 000 сўм пеня суммасига нисбатан қисми асоссиз ҳисобланганлиги боис, пеня суммасининг ушбу қисмини рад этиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июнь кунги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли қарорида “Судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шарт”-деб тушунтириш берилган. Мазкур Қарорнинг 4-бандида Фуқаролик кодексининг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли - деб тушунтириш берилган.

Ушбу ҳуқуқ нормаларига асосан суд, тарафларнинг мажбуриятларни бажариш даражасини, даъвогарнинг манфаатларини инобатга олиб, пеня суммасини адолати миқдорини белгилашни ва жавобгар ҳисобидан 115 000 000 сўм миқдорида пеня ундиришни лозим топди.

ИПКнинг 118-моддаси биринчи қисмида "Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади" деб белгиланган.

Юқоридагиларга кўра суд, даъво ариза талабларидан келиб чиқиб, даъво талабларини қисман қаноатлантиришни, даъвогар фойдасига жавобгар ҳисобидан 1 540 000 000 сўм зарар суммаси ва унга ҳисобланган 115 000 000 сўм пеня ҳамда 21 600 сўм почта харажати ундиришни, жавобгар ҳисобидан ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ 36 960 000 сўм давлат божини, даъвогар ҳисобидан 240 000 сўм давлат божини республика бюджетига ундиришни, жавобгар ҳисобидан ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ 75 000 сўм видеоконференцалоқа харажатини Олий суд депозитига ундиришни, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324, 333, 880, 881, 889, 890-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179-моддалари, қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъво ариза қисман қаноатлантирилсин.



Даъвогар « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси фойдасига жавобгар « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 1 540 000 000 сўм зарар суммаси ва 115 000 000 сўм пеня ҳамда 21 600 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ 36 960 000 сўм давлат божи республика бюджетига ундирилсин.

Даъвогар « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси ҳисобидан ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ 240 000 сўм давлат божи республика бюджетига ундирилсин.

Жавобгар « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ 75 000 сўм видеоконференцалоқа харажати Олий суд депозитига ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Раислик этувчи

У.Эргашев

